

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМНАЗАРОВ БЕКМУРОД ХУРРАМОВИЧ

4-ХЛОР- ВА 2,4-ДИХЛОРФЕНОКСИСИРКА КИСЛОТАЛАРИНИНГ
МЕТАЛЛ КОМПЛЕКСЛАРИ СИНТЕЗИ ВА КРИСТАЛЛ
ТУЗИЛИШЛАРИ

02.00.01 – Ноорганик кимё

02.00.04 – Физик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Алимназаров Бекмурод Хуррамович

4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг
металл комплекслари синтези ва кристалл тузилишлари.....3

Алимназаров Бекмурод Хуррамович

Синтез и кристаллические структуры металлокомплексов
4-хлор- и 2,4-дихлорфеноксиуксусных кислот.21

Alimnazarov Bekmurod Khurramovich

Synthesis and crystal structures of metal complexes of
4-chloro- and 2,4-dichlorophenoxyacetic acids39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМНАЗАРОВ БЕКМУРОД ХУРРАМОВИЧ

4-ХЛОР- ВА 2,4-ДИХЛОРФЕНОКСИСИРКА КИСЛОТАЛАРИНИНГ
МЕТАЛЛ КОМПЛЕКСЛАРИ СИНТЕЗИ ВА КРИСТАЛЛ
ТУЗИЛИШЛАРИ

02.00.01 – Ноорганик кимё

02.00.04 – Физик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/К429 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ашуров Жамшид Менгнорович
кимё фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Азиз Бахтиярович
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Рафиков Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Каттаев Нуратдин Тўраевич
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «28» 03 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, (998 71) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 31 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, (998 71) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил « 15 » 03 куни тарқатилди.

(2022 йил « 15 » 03 11 – рақамли реестр баённомаси)



З.А. Сманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д., профессор

Ш.А. Кадирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда глобал миқёсдаги иқлим ўзгаришлари ва экологик муаммолар юзага келаётган бир даврда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги камайиши кузатилмоқда. Маданий ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи самарали кимёвий бирикмаларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Дунё қишлоқ хўжалигида захарлилиги кам ва юқори самарадор бўлган, ўсимликлар ҳосилдорлигини оширувчи стимуляторлар олиш ва турли хил зараркунанда ҳашаротлар ва фитопатоген микроорганизмларга қарши курашиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Жаҳонда моно- ва дихлорфеноксисирка кислота ҳосилалари ҳамда уларнинг d-металл тузлари билан ҳосил қилган аралаш лигандли комплекс бирикмаларининг тадқиқоти, уларнинг таркиби, тузилиши, хоссалари бўйича кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, юқори конформацион ҳаракатчан карбон кислоталар асосидаги лигандларнинг оралик металллар билан янги тузилиш ва функцияларни ўзида намоён этувчи комплекс бирикмалари синтези, ҳосил бўлган комплекс бирикмалар тузилишининг турли омилларга, жумладан, металл табиатига, лиганд ўринбосарининг мавжудлигига боғлиқлигини, шунингдек, марказий ионга лиганднинг координацияланиши, боғ табиати ҳамда физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда маҳаллий хомашёлар асосида юқори самарали, импорт ўрнини босадиган, арзон, ўсимликларнинг ўсишини стимуляциялаш қобилиятига эга янги турдаги воситаларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш борасида қатор натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи, уларнинг вегетатив даврини қисқартирувчи ҳамда янги турдаги арзон препаратларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» даги ҳамда 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сонли «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи илмий марказларида 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг оралиқ металллар билан комплексларини синтез қилиш, фазовий тузилиши ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилган. Ушбу йўналишда D-Y.Ma, F.Yan-jie, L.Zhao, A.Drzewiecka-Antonikлар 4-хлорфеноксисирка кислотаси (4-D)нинг, G.Smith, G.Reck, W.Jahnig, J.Kobylecka, R.Kruszynski, S.Beniak, E.Czubackлар илмий тадқиқот ишларида 2,4-дихлорфеноксисирка кислотаси (2,4-D)нинг моно- ва полиядроли металлокомплекслари синтез қилинган, кристалл тузилиши аниқланган. Кембридж кристаллографик маълумотлар базаси (Cambridge Crystallographic Data Center, CCDC-2021) базаси таҳлилига кўра, шу вақтга қадар 35 та 4-хлорфеноксисирка кислотаси ва 77 та 2,4-дихлорфеноксисирка кислотасининг оралиқ металлокомплекслари ўрганилган.

МДХ мамлакатларида координацион бирикмалар ҳамда уларнинг амалиётга тадбиқи бўйича Н.Т.Кузнецов, Е.В.Антипов, А.П.Гуля, В.И.Пехньо, Г.В.Цинцадзе бошчилигидаги олимларнинг илмий гуруҳлари ва мактаблари шуғулланишган. Олимлар томонидан комплекс бирикмаларнинг тузилиши, таркиби, хоссаси ва биологик фаоллиги бўйича бир қанча ишларнинг таҳлили амалга оширилган. Координацион кимёнинг супрамолекуляр ва полимер комплекс бирикмалар қисми ривожлантирилган.

Ўзбекистонда координацион бирикмаларнинг синтези, тузилиши ва хоссаларининг тадқиқоти борасида академиклар Н.А.Парпиев ва Б.Т.Ибрагимов, профессорлар: Х.Т.Шарипов, Б.Б.Умаров, А.А.Шабилолов, Т.А.Азизов, Х.Х.Тўраев, Ж.М.Ашуров ва Ш.А.Кадирова раҳбарлигидаги олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Сўнгги йилларда Биоорганик кимё институтида академик Б.Т.Ибрагимов ва унинг шогирдлари томонидан 300 дан ортиқ янги комплекс бирикмалар синтез қилиниб, уларнинг тузилиши рентген структурвий анализ (РСА) ёрдамида аниқланган.

Шу билан бирга адабиёт манбалари таҳлилининг кўрсатишича, моно- ва дихлорфеноксисирка кислотаси ҳосилаларининг d-металллар билан комплекс бирикмаларини таҳлил қилиш бўйича кенг миқёсда тажриба натижалари бўлишига қарамасдан, d-металлларнинг 4-хлор- ҳамда 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари билан металл комплекслари етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталар асосида комплекс бирикмаларни синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларини режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф7-34-сонли “Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари” мавзусидаги (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг Co(II), Ni(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II) ионлари билан металлокомплекс бирикмаларининг синтези, уларнинг таркиби, кристалл тузилиши ҳамда физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг Co(II), Ni(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II) катионлари билан комплекс бирикмаларини синтез қилиш ҳамда уларнинг монокристалларини олиш;

комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида таҳлил қилиш;

4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари ҳамда уларнинг Co(II), Ni(II) Cu(II), Zn(II), Cd(II) катионлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларининг электрон тузилиши, энергетик, геометрик параметрларини, шунингдек, реакция қобилиятини квант-кимёвий усуллар ёрдамида ҳисоблаш;

янги олинган комплекс бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари ҳамда уларнинг Co(II), Ni(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II) металл тузлари билан комплекс бирикмалари, ўсишни стимулловчи бирикмалар, ғўза ўсимлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети таркибида донор кислород атоми сақлаган лигандлар ва уларнинг d-металлар билан комплекс бирикмаларининг синтези, таркиби, кристалл тузилиши, индивидуаллиги, физик-кимёвий ҳамда биологик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида элемент, рентген структуравий анализ (РСА), ДСК, ИҚ-, Раман спектроскопия, замонавий квант-кимёвий ҳисоблаш ва биологик фаоллигини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг Co(II), Ni(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II) металл катионлари билан 21 та янги комплекс бирикмалари синтез қилинган;

синтез қилинган аралаш лигандли янги комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва металл ионларининг лиганд донор атомлари билан координацияланиш қонуниятлари элемент, РСА, ДСК, ИҚ-, Раман спектроскопик анализ усуллари ёрдамида аниқланган;

[Cu(2,4-D)₂(Py)₂H₂O] ва [Cu₂(2,4-D)₄(DMSO)₂]·DMSO таркибли комплекс бирикмалар асосида тупроқ унумдорлиги ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширувчи янги самарали стимуляторлар синтез қилинган;

мисли комплекслардаги стереокимёвий ва электрон таъсирлар ҳамда Ян-Теллер эффекти ҳисобига металл-DMSO молекуласидаги кислород боғларининг узайиши туфайли тетрагонал-пирамида тузилишидаги марказий атомнинг координацион сони бешга тенг бўлган sp^3d гибридланишли комплекслар ҳосил бўлиши аниқланган;

Хиршфельд сирт таҳлилида $H\cdots Cl/Cl\cdots H$, $H\cdots H$ ва $O\cdots H/O\cdots H$ таъсирлари кўпроқ кузатилган ҳамда молекулалараро таъсирлашиш энергиялари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг $Co(II)$, $Ni(II)$, $Cu(II)$, $Zn(II)$, $Cd(II)$ каби металл катионлари билан комплекс бирикмаларини синтез қилишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

РСА, ДСК, ИҚ-, Раман спектроскопия, замонавий квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари асосида янги синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, индивидуаллиги ҳамда феноксикислота лигандларининг карбоксил гуруҳи металл катионлари билан монодентант ва бидентант координацияланиши аниқланган;

2,4-дихлорфеноксисирка кислотасининг $Cu(II)$ иони билан комплекслари асосида ғўзанинг ҳосилдорлигини оширувчи $[Cu(2,4-D)_2(Py)_2H_2O]$ ва $[Cu_2(2,4-D)_4(DMSO)_2]\cdot DMSO$ таркибли самарали стимуляторлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги РСА, элемент, ДСК, ИҚ-, Раман спектроскопия, биологик таҳлил ва квант-кимёвий ҳисоблашлар каби замонавий тадқиқот усуллари билан исботланган. Хулосалар тажриба натижаларини таҳлили асосида қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг $Co(II)$, $Ni(II)$, $Cu(II)$, $Zn(II)$, $Cd(II)$ каби металл билан янги комплекс бирикмаларини синтез қилишнинг мақбул шароитлари, физик-кимёвий хоссалари аниқланганлиги ҳамда монокристаллари шаклида ажратиб олинганлиги, шунингдек, янги комплекс бирикмаларининг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари асосида тадқиқ қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти $[Cd(2,4-D)_4(En)\cdot 0,6H_2O]$, $[Cu(2,4-D)_2(Py)_2H_2O]$ ва $[Cu_2(2,4-D)_4(DMSO)_2]\cdot DMSO$ таркибли комплекс бирикмаларининг кристаллографик маълумотлари Кембридж кристаллографик маълумотлар базаси (Cambridge Crystallographic Data Center) га киритилганлиги ҳамда оралиқ металлларнинг 2,4-дихлорфеноксисирка кислотаси билан аралаш-лигандли комплекс бирикмалари синтез қилиш натижасида микроконцентрацияларда ўсимликлар ўсишини стимулловчи бирикмалар олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг d-металлар билан комплекслари синтези, кристалл тузилиши ҳамда биологик фаоллиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

[Cd(2,4-D)₄·(En)·0,6H₂O], [Cu(2,4-D)₂(Py)₂H₂O] ва [Cu₂(2,4-D)₄(DMSO)₂]·DMSO таркибли комплекс бирикмаларнинг рентген тузилиш таҳлили натижалари Кембридж кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Crystallographic Data Centre, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/conts/retrievhg.html> CCDC депозит рақами 2114698, 2124826, 2124827). Натижада, базага киритилган кимёвий бирикмалар ўхшаш бирикмаларни синтез қилишда, тузилишини тавсифлашда тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш имконини берган;

2,4-дихлорфеноксисирка кислотанинг металлокомплекслари «NOVA FARM» МЧЖда амалиётга жорий этилган («NOVA FARM» МЧЖнинг 2021 йил 22 декабрдаги 277-сон маълумотномаси). Натижада таркибида Zn(II) иони сақлаган 2,4-дихлорфеноксисирка комплекси ялиғланишга қарши қўлланиладиган дори воситаларига эритма кўринишида 0,5 % гача кўшилганда, уларнинг таъсир самарадорлигини ошириш имконини берган;

янги комплекс бирикмалар синтез усуллари, уларнинг таркиби ва тузилиши бўйича маълумотлардан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф7-012-рақамли «Полифункционал таъсирли қатор металларнинг аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилишларининг ўзига хослиги, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада металло-комплекс бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 2021 йил 22 ноябрдаги 4-1255-3261-сон маълумотномаси). Натижада, янги комплекс бирикмаларни олиш ва фазовий тузилиши ҳамда хоссаларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга жорий қилиш истиқболи борасида хулосалар чиқарилган

ҳамда чоп этирилган ишлар ва диссертациянинг таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг координацион бирикмалари**» деб номланган биринчи бобида лигандлар – 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари ва улар иштирокидаги комплекс бирикмаларнинг синтези, молекуляр ва кристалл тузилишлари, металлокомплексларнинг хоссалари, биологик фаоллиги, қўлланиш соҳалари ҳамда физик-кимёвий хоссалари бўйича адабиёт манбалари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг комплекс бирикмалари синтези ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида диссертация тадқиқоти доирасида фойдаланилган асбоб-ускуналар ва реактивлар тавсифи, бирикмаларни синтез усуллари танишга ёндошув, 4-хлор ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари иштирокидаги комплекс бирикмаларни олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллигини аниқлаш усуллари келтирилган.


Диссертациянинг «**4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталарининг комплекс бирикмаларининг молекуляр, кристалл тузилишлари ва хоссалари**» деб номланган учинчи бобида 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари билан никель(II), мис(II), рух ва кадмийнинг аралаш лигандли металлокомплекс бирикмалари рентген-структуравий, ИҚ-, Раман спектроскопия ва дифференциал-термик анализ усуллари ёрдамида таҳлил қилинди. Таҳлиллар асосида синтез қилинган бирикмаларнинг структуралари тақлиф қилинди ва синтез қилинган янги металлокомплекс бирикмаларнинг биологик фаоллиги ва амалиётда қўллаш имкониятлари келтирилди.

Диссертациянинг «**4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари ҳамда уларнинг комплексларини замонавий квант-кимёвий ҳисоблашлари**» деб номланган тўртинчи бобида 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислотаси ҳамда уларнинг аралаш лигандли металлокомплекс бирикмаларининг квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари, замонавий физик-кимёвий тадқиқоти келтирилган. Квант-кимёвий таҳлиллар ёрдамида 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари ва уларнинг комплекс бирикмаларининг электрон тузилиши ORCA 5 дастурий пакети ёрдамида DFT усулида ўрганилиб, назарий кўрсаткичлар асосида электронодонор ва электроноакцептор марказлари аниқланди.

$[\text{Cu}(4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_2]$ комплекс бирикма кристаллнинг элементар ячейкаси параметрлари қуйидагича: фазовий гуруҳи Мис Cu^{2+} ионининг 4-D ва сув молекулалари билан ҳосил қилган ушбу $[\text{Cu}(4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_2]$ комплекси моноядроли бўлиб, нейтрал табиатга эга. Комплекс таркибидаги Cu1-O1 ва Cu1-O2 боғлари орасидаги масофа мос равишда қиймати 1.958 \AA 1.953 \AA бўлса, Cu1-O4 орасидаги масофа эса 2.395 \AA тенг O2-Cu1-O4 нинг бурчаклари 74.72° (1-расм.).


Синтез қилинган комплекс бирикма кристаллографик маълумотлари

Параметр	Комплекс бирикмалар					
	Формула	$C_{16}H_{16}Cl_2$ CuO_8	$C_{18}H_{20}Cl_2$ N_2O_6Zn	$C_{18}H_{18}Cl_4$ N_2O_6Zn	$C_{34}H_{34}Cl_8N_2$ $O_{13.2} Cd$	$C_{34}H_{45}Cl_8$ $NNiO_{21}$
Молекуляр масса	470.73	496.63	565.51	1077.84	1146.03	679.79
Сингония	Триклин- ник	Монокли- ник	Монокли- ник	Монокли- ник	Триклин- ник	Монокли- ник
Фазовий гуруҳ	P-1	P21/n	I2/a	P2/c	P-1	C2
a, Å	5.1108(8)	5.6621 (11)	6.9656(11)	18.1727 (12)	9.8979(5)	15.6657(11)
b, Å	7.0620(13)	19.366 (13)	29.971(2)	7.6199 (6),	11.481(5)	5.8729(4)
c, Å	13.252(3)	18.816 (4)	11.0554(10)	15.3248 (7)	21.649(10)	16.4604(10)
α °	81.783(16)	90	90	90	82.588(4)	90
β °	86.401(14)	96.09 (2)	106.026(12)	96.681 (5)	81.853(4)	111.295(7)
γ °	76.367(15)	90	90	90	87.057(4)	90
V, Å ³	459.84	2051.6 (15)	2218.3(5)	2107.7 (2)	2413.7(2)	1411.01(18)
Z	1	4	4	2	2	2
Dx, г/см ³	1.700	1.608	1.693	1.7241	1.577	1.600
$\mu(CuK\alpha)$, мм ⁻¹	1.54184	1.54184	1.54184	1.54184	1.54184	1.54184

1-расм. $[Cu(4-D)_2(H_2O)_2]$ комплекс бирикмасининг тузилиши.


Мис атоми деформацияланган бипирамида типиди (CuO_6) иккита лиганд 4-Днинг карбоксил ва фенокси гуруҳидаги ва 2 та сув молекуларидаги О атомлари билан координацияланади. Бунда 4-Д молекулари O_2, O_4 бидентат ва иккита сув молекуласи эса монодентат лигандлар сифатида қатнашган. Марказий атом Сунинг координацион сони бга тенг бўлиб, sp^3d^2 ҳолатда гибридланган.

$[Zn(4-D)_2En]$ комплекс таркибида рух атомининг координацион сони 4га тенг. $Zn-N_2$ (En) 2.044(4) Å ва $Zn-O_2'$ (4-D) 1.970(3) Å боғ узунликлари орасидаги фарқ 0.074 Å ни ташкил этади. En молекуласида $N_1-C_9-C_{10}-N_2$ торсион бурчак -53.16° га тенг. 4-Днинг бензол фрагменти ва карбосилат ($O_2C_8O_3$) гуруҳи текисликлари орасидаги икки ёқлама бурчак 6° (2-расм).





2-расм. [Zn(4-D)₂En] комплекснинг молекуляр тuzилиши.

[Zn(2,4-D)₂En] комплексида Zn-N1 (En) 2.038(5)Å ва Zn-O1 (2,4-D) 1.940(3)Å боғ узунликлари орасидаги фарқ 0.098 Å ни ташкил этади (3-расм.).



3-расм. [Zn(2,4-D)₂En] комплексининг молекуляр тuzилиши.

En молекуласида N1-C9-C9-N1 торсион бурчак -57.2° га тенг. 2,4-Днинг бензол фрагменти ва карбосилат (O1C8O2) гуруҳи текисликлари орасидаги икки ёқлама бурчак 9° . [Zn(2,4-D)₂En] таркибли комплексда Zn иони 2та карбоксил гуруҳи билан монодентант типдаги комплекс ҳосил қилади (этилендиамин билан биргаликда).



4-расм. [Zn(2,4-D)₂En] таркибли комплекс ИҚ-спектри ва тuzилиши.

Комплекс ИҚ-спектрида карбоксил гуруҳи учун $\nu_{as}(\text{COO}^-)$ ва $\nu_s(\text{COO}^-)$ ютилиш чизиклари мос равишда 1624 ва 1386 cm^{-1} кузатилди. Улар орасидаги фарқ $[\Delta=(\nu_{as}(\text{COO}^-)-\nu_s(\text{COO}^-))=1624-1386\text{cm}^{-1}]$ $\Delta\nu=238 \text{ cm}^{-1}$ эканлиги лиганднинг монодентант ҳолатда координацияланганини билдиради (4-расм.).

Шунингдек, C-O-C (1267, 1244 cm^{-1}) ва C-O (1068, 1031 cm^{-1}) ютилиш чизиклари ҳам лигандга нисбатан силжиган. Бундан ташқари комплекс ИҚ-спектрининг барча соҳаларида лиганд спектрига нисбатан сезиларли ўзгаришлар кузатилади. Масалан, комплекс таркибидаги этилендиамин NH₂

гурухлари валент тебранишларига хос ютилиш чизиқлари 3323 ва 3273 см^{-1} соҳада намоён бўлади. C-H (Ar) ва CH_2 валент тебранишлари натижасида юзага ютилиш чизиқлари мос равишда 3097, 3035 см^{-1} ҳамда 2974, 2902 см^{-1} соҳаларда кузатилади. Аммо ИҚ Фурье-спектрометрларида 400-500 см^{-1} шу соҳада шовқин-сигнал нисбати юқори бўлганлиги сабабли Zn-O чизиқларни илғаш имконияти йўқ.


2-жадвал.

Синтез қилинган комплекс бирикмалар ИҚ-спектрлари

Комплекс бирикмалар	νOH	$\nu(\text{CO})$	$\nu_{\text{as}}(\text{COO}^-)$	$\nu_{\text{s}}(\text{COO}^-)$	$\Delta\nu(\text{COO}^-)$	$\nu\text{C}-\text{Cl}$
2,4-D	2856, 2775, 2646, 2574	1722	-	-	-	694, 644
$[\text{Zn}(2,4\text{-D})_2\text{En}]$	-	-	1624	1386	238	690, 607
$[\text{Cd}(2,4\text{-D})_4\cdot\text{En}\cdot 0.6\text{H}_2\text{O}]$	3473	-	1614	1575	39	648, 607
$[\text{Cu}(2,4\text{-D})_2(\text{Py})_2\text{H}_2\text{O}]$	3066	-	1633	1398	235	667, 638
$[\text{Cu}_2(2,4\text{-D})_4(\text{DMSO})_2]\cdot\text{DMSO}$	-	-	1645	1473	172	648, 623

2,4-дихлорфенокисирка кислота сувли эритмада ўзгаришларга (ион ва туатомер ҳолатларга) учрамаслигини инобатга олган ҳолда, ушбу лиганд ва $[\text{Zn}(2,4\text{-D})_2\text{En}]$ таркибли комплекснинг аморф ҳолатдаги ва сувли эритмаларининг Раман-спектрлари ўрганилди.

2,4-дихлорфенокисирка кислота Раман-спектрининг 1457, 1328, 1158, 972, 839 ва 808 см^{-1} соҳаларидаги чизиқлар En Раман-спектрида ҳам мавжуд. Шунинг эътиборга олган ҳолда юқоридаги пиклар $-\text{CH}_2$ гуруҳининг тебранишлари натижасида юзага келган чизиқлардир (5-расм).




5-расм. $[\text{Zn}(2,4\text{-D})_2(\text{En})]$ таркибли комплекс кристалл ҳолати (чапда) ва сувли эритмасининг (ўнгда) 0-2000 см^{-1} оралиқда олинган Раман-спектри.

Комплекс Раман-спектрида лиганд молекуласидаги 1588, 715 ва 644 см^{-1} пиклар йўқолиши кузатилди. Бу пиклар ароматик ҳалқа тебранишлари билан боғлиқ пиклар бўлиб, комплексда боғлар диполь momenti (кутбланиши) ортиши билан Раман-спектрда фаол бўлмаган ҳолатга ўтган.

Эритмадаги комплекснинг Раман-спектри аморф ҳолатдаги Раман-спектри билан қариб бир хил эканлиги аниқланди. Бу эритмада комплекснинг парчаланиб кетмаслигини кўрсатади.

Таркиби $[\text{Cd}(2,4\text{-D})_4 \cdot \text{En} \cdot 0.6\text{H}_2\text{O}]$ бўлган комплекс моноклиник бўлиб, $P2_1/c$ фазовий гуруҳда кристалланган. Таркиби икки зарядли $[\text{Cd}(2,4\text{-D})_4]^{2-}$ анион ва H_2En^{2+} дикатион ҳамда тартиб билан жойлашган 0.6 моль сув молекуласидан иборат.

Cd атоми ва H_2En^{2+} дикатиони кристаллографик симметрия 2 ўқида ётади. Cd атоми юқори октаэдр режимидаги координацияга эга, иккита монодентат 2,4-D (A) лигандларининг карбоксилат ксилород атомлари ва иккита бидентат 2,4-D (B) атомлари билан координацияланган (6-расм).



6-расм. $[\text{Cd}(2,4\text{-D})_4 \cdot \text{En} \cdot 0.6\text{H}_2\text{O}]$ комплекснинг молекуляр тузилиши ва комплекс кристалл панжарасида молекулаларнинг тахланиши.

Нукталар водород боғлар ва $\pi \dots \pi$ таъсирларни ифодалайди.

Монодентат 2,4-D(A)-лигандлар билан ҳосил қилинган Cd–O масофа 2.231 (4) Å ва бидентат 2,4-D (B)-лигандлар билан эса 2.346 (4) ва 2.490 (4) Å қийматларга эга бўлиши аниқланди.

3-жадвал.

Комплекс $[\text{Cd}(2,4\text{-D})_4 \cdot \text{En} \cdot 0.6\text{H}_2\text{O}]$ таркибидаги водород боғлар геометрияси


$D\text{---}H \cdots A$	$D\text{---}H$, Å	$H \cdots A$, Å	$D \cdots A$, Å	$D\text{---}H \cdots A$, °
$N1\text{---}H1A \cdots O3A^{iii}$	0.89	2.01	2.829 (7)	153
$N1\text{---}H1B \cdots O2B$	0.89	1.97	2.815 (7)	159
$N1\text{---}H1C \cdots O3B^{iii}$	0.89	2.29	2.944 (7)	130
$N1\text{---}H1C \cdots O3A^{iv}$	0.89	2.36	2.838 (7)	113
$C3B\text{---}H3B \cdots C12A^v$	0.93	2.80	3.681 (7)	158
$O1W\text{---}H1WA \cdots O2A$	0.85	2.18	2.907 (9)	143
$O1W\text{---}H1WB \cdots O3A^{iii}$	0.85	2.51	3.061 (10)	124
$C9\text{---}H9B \cdots O1B^{ii}$	0.97	2.59	3.415 (8)	143

Симметрия кодлари: (ii) $-x+1, -y+2, -z+1$; (iii) $x, y+1, z$; (iv) $-x+1, y+1, -z+1/2$; (v) $x+1, y+1, z$.

Водород боғи ҳосил қилиши мумкин бўлган 5 та симметрик мустақил фаол водород атомлари мавжуд. Улар NH_3^+ -гуруҳининг 3 та водород атоми ва тартибланган гидрат сув молекуласининг 2 та водород атоми. H_2En^{2+} катионнинг ҳар қайси NH_3 -гуруҳи 2,4-D лигандининг карбоксилат гуруҳи билан ҳосил қилинган водород боғда ўз ҳиссасига эга (3-жадвал).

Мураккаб $\{2[\text{Ni}(2,4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_4] \cdot (\text{MEA}) \cdot 2(2,4\text{-D}) \cdot 4\text{H}_2\text{O}\}$ таркибли

супрамолекуляр комплекс синтези амалга оширилди. Комплекс таркибида Ni(II) ионлари 2,4-D лигандлари билан монодентат ҳолда координацияланган. Шунингдек, тўртта сув молекуласи ички сферани эгаллаши натижасида октаэдр конфигурация шаклланган. Кутилмаган ҳолда МЕА молекулаларининг ташқи сферада жойлашганлиги кузатилди (7-расм).



7-расм. $\{2[\text{Ni}(2,4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_4] \cdot (\text{MEA}) \cdot 2(2,4\text{-D}) \cdot 4\text{H}_2\text{O}\}$ супрамолекуляр комплекснинг молекуляр структураси.

Ушбу комплекс таркибида битта ичкимолекуляр ва 11 та молекулалараро O–H...O турдаги водород боғлар мавжуд (4-жадвал). Барча сув молекулалари ёки бошқа O–H гуруҳлари ҳам донорлик қобилиятларини намоён қилмаган. Мавжуд водород боғлар эса етарли даражада кучлидир.

4-жадвал.

Супрамолекуляр $\{2[\text{Ni}(2,4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_4] \cdot (\text{MEA}) \cdot 2(2,4\text{-D}) \cdot 4\text{H}_2\text{O}\}$ комплекс таркибидаги водород боғ катталиклари

Боғ	D–H	H...A	D...A	< D–H...A
O4- H4A...O3	0.8500	1.8900	2.643(9)	147.00
O4- H4B...O20 ⁱⁱ	0.8500	1.9900	2.785(9)	156.00
O5- H5A...O7	0.8500	1.8800	2.696(10)	159.00
O5- H5B...O15 ⁱⁱ	0.8500	2.2300	2.921(9)	139.00
O12- H12A...O11	0.8500	1.8100	2.584(9)	150.00
O12- H12B...O20	0.8500	1.9000	2.737(10)	167.00
O13- H13A...O7 ⁱⁱⁱ	0.8500	2.0100	2.802(9)	154.00
O17- H17B...O8	1.07(13)	1.72(13)	2.721(11)	155(10)
O18- H18A...O3	0.8500	2.3000	2.893(11)	127.00
O20 - H20B...O16	0.8500	1.9100	2.729(11)	162.00
O21 - H21A...O7	0.8500	2.1000	2.743(10)	132.00
O21 - H21B...O16	0.8500	2.0500	2.767(12)	141.00

Симметрия кодлари: (i) -x,1-y,2-z; (ii) 1-x,2-y,2-z; (iii) x,1+y, z.

Синтез қилинган $[\text{Cu}(2,4\text{-D})_2(\text{Py})_2\text{H}_2\text{O}]$ ва $[\text{Cu}_2(2,4\text{-D})_4(\text{DMSO})_2] \cdot \text{DMSO}$ комплекс бирикмаларининг биологик фаолликларини текшириш учун Умумий ва ноорганик кимё институти агрокимё лабораториясига берилди. Таклиф қилинган ўсиш стимуляторларининг ўсимлик ўсишига, ривожланишига ва ҳосилдорлигига таъсири тадқиқ этилди. Маълумки, ўсимлик ўсишини бошқарувчи сифатида тақдим этиладиган препаратлар физиологик фаоллигини баҳолаш бўйича назоратдан ўтказилади.

Тадқиқотлар икки паллали ўсимлик – гўзанинг (*Gossypium hirsutum*) АН-Боявут нави униб чиққан чигит ниҳолларида олиб борилди. Олинган натижаларга кўра, ўрганилаётган $[Cu(2,4-D)_2(Py)_2H_2O]$ комплекс ўз хоссалари ва юқори самарадорлиги сабабли назоратга нисбатан 20 %га ортиқ бўлган ҳосил шаклланишига олиб келди, $[Cu_2(2,4-D)_4(DMSO)_2] \cdot DMSO$ комплексида эса бу кўрсаткич назоратга (NPK) нисбатан 15 %ни ташкил этди.


Тузилиши, таркиби жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи 4-D ва 2,4-D лар учун кенг қўлланиладиган квант-кимёвий кўрсаткичлар B3LYP/def2-TZVP усулида газ фазада ва айрим эритувчилар таъсирини инобатга олган ҳолда ҳисобланди. Газ фазада ҳисобланган квант-кимёвий кўрсаткичлар, яъни юқори банд ва қуйи бўш МОлар энергиялари ва улар асосида аниқланган (η , σ , ΔE , χ ва ω) каби кўрсаткичлар 5–жадвалда келтирилган.

5-жадвал.

4-D ва 2,4-D лар учун ҳисобланган квант-кимёвий параметрлари

Квант-кимёвий параметрлар	4-D	2,4-D
$E_{ЮБМО}$, эВ	-6.72	-6.86
$E_{ҚБМО}$, эВ	-1.17	-1.40
$ \Delta E = E_{ЮБМО} - E_{ҚБМО}$, (эВ)	5.55	5.46
Ионланиш потенциали, $I = -E_{ЮБМО}$, (эВ)	6.72	6.86
Электронга мойиллик, $A = -E_{ҚБМО}$, (эВ)	1.17	1.40
Электроманфийлик, $\chi = (I + A)/2$ (эВ)	3.94	4.13
Кимёвий қаттиқлик, $\eta = (I - A)/2$ (эВ)	2.77	2.73
Кимёвий потенциал, $\mu_p = -(I + A)/2$ (эВ)	-3.94	-4.13
Кимёвий юмшоқлик, $\sigma = 1/(2\eta)$ (эВ ⁻¹)	0.18	0.18
Электрофиллик индекси, $\omega = \mu_p^2/2\eta$ (эВ)	2.80	3.12
Диполь момент, μ (Дебай)	2.76	3.28

Ҳисоблашлар 2,4- Днинг 4- Дга нисбатан қутбли эканлигини уларнинг диполь момент катталикларидан кўриш мумкин. Шунингдек, кимёвий



8-расм. Лигандларнинг сольватланиш жараёнида Гиббс энергиясининг ўзгариши. $G^\circ(\text{вакуум})=0$.


қутбланувчан муҳит модели) усулида олиб борилди. Лиганд молекулаларининг айрим эритувчиларда сольватланиш жараёнидаги Гиббс

энергияси-нинг ўзгариши эритувчилар қутблилиги ортиши билан ўзгариши аниқланди. Газ фазага нисбатан эритувчиларда лигандларнинг солватланиш жараёни Гиббс энергияси ўзгариши қуйидаги графикда келтирилган (8-расм).

Маълумки, СРСМ усулида эритувчи диэлектрик қутбланувчи континуум (муҳит) сифатида ифодаланади ва эриган модда тахминан молекуляр шаклдаги бўшлиққа жойлаштирилади. Эритувчилар сифатида ацетон, метанол, сув ва этанол олинди. Ушбу эритувчиларнинг диэлектрик синдирувчанлиги (ϵ) қуйидаги тартибда ошиб боради: ацетон ($\epsilon=20.7$), этанол ($\epsilon=24.3$), метанол (32.63) ва сув (80.4).


Заряд ҳисоблашнинг кенг тарқалган усули – Малликен усули бўйича $[\text{Cu}(4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_2]$ комплекс атомларининг умумий зарядлари ҳисоблаб чиқилди. Комплекс молекуласининг кислород атомларида ҳам юқори манфий заряд мавжудлиги аниқланди. Энг катта манфий зарядлар комплексга киритилган сув молекуласининг кислород атомларида локаллашган.

Комплекс ҳолатида альфа ва бета МО ларнинг энергиялари фарк қилади. Комплексда қуйи жойлашган ҚБМО мавжуд бўлиб, унда металл d-орбиталининг улуши 60% дан ортиқ (9-расм).



9-расм. $[\text{Cu}(4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_2]$ комплекс молекулалар (ассиметрик қисм учун) атомларида атом зарядининг тақсимланиши ва чегаравий МОлардаги электрон зичликлар.

Комплекс ҳолатида максимумлар сув молекуласининг Н атомларида локаллашишини ва минимумлар $\text{C}=\text{O}$ гуруҳлари кислороди яқинида жойлашган (10-расм).




10-расм. $[\text{Cu}(4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_2]$ комплекси учун ЭСП сатҳи максимум ва минимумлари. Қизил рангли қисм (кўк доира)-максимумни, кўк рангли соҳа (қизил доиралар)–минимумни ифодалайди.

$[\text{Zn}(2,4\text{-D})_2\text{En}]$ комплекси бирикмасининг DFT-зичлик функцияли назарияси таҳлилига асосан молекулалари учун назарий кимёда муҳим аҳамият касб қиладиган ЮБМО ва ҚБМО энергиялари ва улар асосида айрим квант-кимёвий кўрсаткичлар ҳисобланди


Комплекс молекулаларининг чегаравий МОларида атомлардаги электрон зичлик тақсимоти бир хил эканлиги аниқланди, яъни ЮБМО ва

ҚБМО асосан бензол ҳалқасининг боғловчи ва бўшаштирувчи *p*-электронларидан таркиб топган (11-расм).




11-расм. Комплекс атомларининг чегаравий (ЮБМО ва ҚБМО) МОлардаги электрон зичлик тақсимоти.

Комплекс ЭСП сатҳи таҳлилидан максимумларнинг E_p N-H гуруҳи H атомларида (53.02 ккал/моль) ҳамда CH_2 гуруҳи H атомларида (44.03 ккал/моль) локаллашиши аниқланди. ЭСП сатҳи минимуми иккала лиганд молекуласидаги sp^3 гибридланган кислород атомлари атрофида жойлашган. Бунинг натижасида комплексдаги иккала лиганд ўртасида электрон зичликка бой соҳа юзага келган (12-расм).




12-расм. Комплекс атомларидаги умумий заряд тақсимоти (а) ва ЭСП сатҳи максимум ва минимумлари: қизил рангли соҳалар ва мовий шарчалар максимумларни, тўқ кўк соҳалар ва қизил шарчалар минимумларни ифодалайди (b).



13-расм. [Cu(4-D)₂(H₂O)₂] ва [Zn(2,4-D)₂En] комплексларининг сольватланиш жараёнида Гиббс эркин энергиясининг ўзгариши. $G^\circ(\text{вакуум})=0$.

Комплекс бирикмаларнинг эритувчилар таъсирида квант-кимёвий кўрсаткичларнинг газ фазага нисбатан ўзгаришини ўрганиш мақсадида ORCA 5.0 дастурида CPCM усулида ацетон, этанол, метанол ва сув муҳитида ҳисоблашлар бажарилди. Ҳисоблашлар натижасида сольватланиш жараёнида термодинамик (H° , G° ва TS°) параметрларнинг ўзгариши мис ва рух комплекслари учун ҳисобланди (13-расм).

Масалан, газ фазадан эритувчи мухитига ўтганда кимёвий қаттиқлик кўрсаткичи ортиб, кимёвий юмшоқлик ва электроманфийлик индекси камайиши кузатилади. Бундан ташқари, газ фазага нисбатан эритувчи мухитида, эритувчи кутбланиш даражасининг ортиши билан комплекс диполь моментининг ортиши кузатилди.





14-расм. Супрамолекуляр $\{2[\text{Ni}(2,4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_4] \cdot (\text{MEA}) \cdot 2(2,4\text{-D}) \cdot 4\text{H}_2\text{O}\}$ комплекс таркибидаги $-0,6591$ дан $1,7187$ а.м.б. оралиғидаги d_{norm} бўйича хариталанган уч ўлчамли Хиршфельд юзаси.

Супрамолекуляр $\{2[\text{Ni}(2,4\text{-D})_2(\text{H}_2\text{O})_4] \cdot (\text{MEA}) \cdot 2(2,4\text{-D}) \cdot 4\text{H}_2\text{O}\}$ комплекс таркибидаги молекулаларо таъсирларни визуаллаштириш мақсадида Хиршфельд юзаси таҳлили олиб борилди. Хиршфельд юзаси d_{norm} бўйича хариталанган ҳолда O3, O4, O5, O7, O8, O11, O12, H4A, H4B, H5A, H5B, H12A, H12B ва H13A атомлари яқинида кутилган оч-қизил доғлар мавжудлигини кўрсатди, улар эса юқорида келтирилган O–H...O водород боғларини тасвирлайди (14-расм).

d_{norm} бўйича хариталанди (15-расм). Юзадаги қизил доғлар кучли таъсирларни ифодалайди ва N1–H1B...O(2B) ҳамда O1W–H1WA...O2A таъсирларга мос келади.

Комплекс $[\text{Cd}(2,4\text{-D})_4 \cdot \text{En} \cdot 0.6\text{H}_2\text{O}]$ учун 3-D Хиршфельд юзаси



15-расм. Комплекс $[\text{Cd}(2,4\text{-D})_4 \cdot \text{En} \cdot 0.6\text{H}_2\text{O}]$ учун уч ўлчамли Хиршфельд юзаси: (а) юза (олд) қисми ва (б) Хиршфельд юзасининг орқа томони.

Кучсиз C3B–H3B...C12A таъсир оч-қизил доғга эга. Хиршфельд юзаси таҳлиliga кўра кристалл таҳланишида H...Cl/Cl...H (42.0%) таъсирлар сезиларли роль ўйнайди, сўнгра H...O/O...H 20.7% ва H...H (12.4%) таъсирлар ўрин олади. Водород C–H...O, N–H...O ва O–H...O боғларга мос келадиган O...H/H...O таъсирлар ҳиссаси ўткир чўкқилар жуфти билан ифодаланган бўлиб, улар кучли водород боғли таъсирларни характерлайди.

ХУЛОСА

1. Илк бор 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари Co(II), Ni(II), Cu(II), Zn ва Cd металл катионлари билан таркиби $Me:L^1$ 1:2 ва $Me:L^2$ 1:2 ҳамда 1:4 нисбатдаги 21 та янги комплекс бирикмаларини монокристаллари олинди, РСА ёрдамида комплексларнинг таркиби, энергияси, молекуляр ва кристалл тузилишлари аниқланганли, шунингдек, $[Cd(2,4-D)_4En \cdot 0.6H_2O]$, $[Cu(2,4-D)_2(Py)_2(H_2O)]$ ва $[Cu_2(2,4-D)_4(DMSO)_2] \cdot DMSO$ комплексларининг структур маълумотлари Кембридж кристаллографик маълумотлар базасига киритилганлиги билан изоҳланади.

2. Рентген-структур, элемент, дифференциал сканерловчи калориметр, ИҚ-, Раман спектроскопик анализ усуллари ёрдамида 4-D, 2,4-D ва комплексларнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари аниқланиб, $[Zn(4-D)_2En]$, $[Zn(2,4-D)_2En]$ лар тетраэдр ва $[2[Ni(2,4-D)_2(H_2O)_4] \cdot (MEA) \cdot 2(2,4-D) \cdot 4H_2O]$, $[Cd(2,4-D)_4En \cdot 0.6H_2O]$ лар октаэдр ҳамда $[Cu(4-D)_2(H_2O)_2]$ бипирамида тузилишли полиэдр металлокомплекс бирикмалар ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

3. $[Cu_2(2,4-D)_4(DMSO)_2] \cdot DMSO$ даги стереокимёвий ва электрон таъсирлар ҳамда Ян-Теллер эффекти ҳисобига металл-DMSO боғларининг узайиши туфайли тетрагонал пирамида тузилишдаги мис ионининг координацион сони бешга тенг бўлган sp^3d гибридланишли комплекс ҳосил бўлиши кўрсатилган.

4. DFT усулидаги назарий ўрганишлар асосида лиганд ва комплексларнинг электронодонор ҳамда электроноакцептор марказлари аниқланди. Эритувчилар таъсирини инобатга олган ҳоллардаги DFT ҳисоблашларида 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари ҳамда $[Zn(2,4-D)_2En]$, $[Cu(4-D)_2(H_2O)_2]$ комплексларида диполь моменти газ фазага нисбатан кескин ортиши кузатилди.

5. 4-хлор- ва 2,4-дихлорфеноксисирка кислоталари комплексларида молекулалараро ўзаро таъсирларда асосий улушлар $H \cdots Cl/Cl \cdots H$ (13.4-42.0 %), $H \cdots H$ (12.4-33.8 %) ва $O \cdots H/O \cdots H$ (20.7-25.4 %) атомлари орасидаги таъсирларга мос келади. Умумий сирт юзаси ва ҳажми $[Cd(2,4-D)_4 \cdot En \cdot 0.6H_2O]$ комплексида энг катта мос равишда $S=777,52 \text{ \AA}^2$, $V=1014,00 \text{ \AA}^3$ бўлса, $[Cu(4-D)_2(H_2O)_2]$ комплексида энг кичик бўлиб, мос равишда $S=405,30 \text{ \AA}^2$, $V=451,26 \text{ \AA}^3$ га тенг. Бу фарқларни металл атом радиус ўлчамлари билан тушунтириш таклиф этилди.

6. 2,4-дихлорфеноксисирка кислотасининг Cu(II) метали билан $[Cu(2,4-D)_2(Py)_2(H_2O)]$ ва $[Cu_2(2,4-D)_4(DMSO)_2] \cdot DMSO$ аралаш комплекслари, 2,4-Dга нисбатан юқори стимуляторликни намоён қилиши аниқланди ҳамда комплекс бирикмалари асосида тайёрланган препаратлар тупроқ унумдорлиги ва пахтанинг ҳосилдорлигини оширувчи самарали стимулятор сифатида тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2019. К.01.03 ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЛИМНАЗАРОВ БЕКМУРОД ХУРРАМОВИЧ

**СИНТЕЗ И КРИСТАЛЛИЧЕСКИЕ СТРУКТУРЫ
МЕТАЛЛОКОМПЛЕКСОВ 4-ХЛОР- И 2,4-
ДИХЛОРФЕНОКСИУКСУСНЫХ КИСЛОТ**

**02.00.01-Неорганическая химия
02.00.04-Физическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/K429.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik-kimyو.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научные руководители: **Ашуров Жамшид Менгнорович**
доктор химических наук, профессор

Ибрагимов Азиз Бахтиярович
доктор химических наук

Официальные оппоненты: **Рафиков Адхам Салимович**
доктор химических наук, профессор

Каттаев Нуритдин Тураевич
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «28» 03 2022 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, (998 71) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 31). (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел: (+998 71) 246-07-88; (+998 71) 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, (+998 71) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан: «15» 03 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 11 от «15» 03 2022 г).



З. А. Сманова
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д. А. Гафурова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Ш. А. Кадирова
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии)PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день происходит глобальное изменение климата и возникают экологические проблемы, происходит снижение урожайности сельскохозяйственных культур и поэтому растет потребность в эффективных химических соединениях, контролирующих рост и продуктивность культурных растений. В сельском хозяйстве всего мира важным вопросом является разработка малотоксичных и высокоэффективных стимуляторов, повышающих продуктивность растений и борющихся с различными вредителями и фитопатогенными микроорганизмами.

В мире проводится достаточно исследований по синтезу производных моно- и дихлорфеноксиуксусной кислот и их разнолигандных комплексных соединений с солями d-металлов, изучению их состава, строения и свойств. В связи с этим синтез комплексных соединений с лигандами на основе высококонформных подвижных карбоновых кислот с d-металлами, определение их природы, физико-химических и биологических свойств, строения образующихся комплексных соединений, зависящих от различных факторов, в том числе от природы металла, наличия в лигандах заместителей, являются важными и необходимыми задачами современной химии.

В республике для развития сельского хозяйства достигнут ряд результатов по созданию и внедрению на основе местного сырья новых видов высокоэффективных, импортозамещающих, недорогих, стимуляторов роста растений. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, существенное повышение экспортного потенциала аграрного сектора»¹. В связи с этим важно, в частности, повысить урожайность сельскохозяйственных культур, сократить их вегетационный период и создать новые виды дешевых препаратов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, предусмотренных Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» в 2017-2021 годах и ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химии и биологии», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII. «Химическая технология и нанотехнологии».

